

Лойиха-смета хужжатларини бажариш пудрат шартномаси

2022 йил «21» ноябр

Андижон шаҳар

Бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади ва Низоми асосида фаолият кўрсатадиган 16-сон илғимчи мактаби, унинг номидан директори О. Ҳолиқов бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Пудратчи» деб юритилади ва Низоми асосида фаолият кўрсатадиган «ТЕХНОПРОЕКТ» МЧЖ, унинг раҳбари З. Матазимов иккинчи томондан: Андижон вилояти Андижон туманида жойлашган 16-сон болалар мусиқа мактаб бино-иншоотларини иситиш тизимини таъмирлаш ва ўқув биносини жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини ишлаб чиқиш буйича пудрат шартномасини тuzдилар.

1. Шартноманинг мазмуни

Буюртмачи топширади, Пудратчи ўзига куйидаги ишларни Андижон вилояти Андижон туманида жойлашган 16-сон болалар мусиқа мактаб бино-иншоотларини иситиш тизимини таъмирлаш ва ўқув биносини жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини бажаришга киришади.

1.2. Пудратчи кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлар курилишига лойиха – смета хужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳақидаги ШНК1.03 01-03 коида ва қўлланмалари ва маскур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

1.3. Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктисодий ва бошқа талаблар ишларни бажариш учун техник топшириқларда бўлади ва маскур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.4. Ишларнинг алоҳида босқичларининг рўйхати ва бажариладиган муддати календар режа асосида аниқланади ва маскур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.5. Пудратчи буюртмачи томонидан ёзма руҳсатини кўмакдан кўшимча ички хўжалик шартномасини (Пудратчи томонидан бажарилмайдиган, лекин маскур шартномани бажаришда керак бўлган маҳсул тасдиқот ишларига) тузишга ҳақлидир.

Кўшимча шартномаларни тузиш Пудратчининг зиммасига юклатилган маскур шартноманинг шартларини бажариш жавобгарлигидан озод этмайди.

1.6. Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга руҳсат этилмайди.

2. Томонларнинг мажбуриятлари

2.1. Пудратчининг мажбуриятлари

Пудратчи буюртмачи томонидан берилган техник топширик ва бошқа бошлангич хужжатлар асосида ишларни бажариши лозим;

Буюртмачи билан бажариладиган ишларни (босқичлари) нинг натижаларини келишади;

Маскур шартнома бўйича бажариладиган ишлар ҳақида буюртмачига ахборат жўнатади.

2.2. Пудратчи маскур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг руҳсатисиз учинчи шахсга беришга ҳақли эмас.

2.3. Буюртмачининг мажбурияти:

Пудратчига маскур шартномада кўзда тутилган шароитларда белгиланган нархни тўлаши керак.

- Пудратчига маскур шартномада кўзда тутилган шароитларда иш хажмларини бажаришда таъсир кўрсатиш:

- Пудратчи билан бажарилган ишлар (босқичлар) нинг натижаларини келишиш;

- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини Пудратчининг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик;

- Пудратчи томонидан бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини кузатиб бориш;

3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи

3.1. Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати **8695000** (саккиз миллион олти юз тўқсон беш минг) сумни ташкил этади.

3.2. Буюртмачи Пудратчининг ҳисоб рақамига мазкур шартномада курсатилган суммани олдиндан аванс **30 % яъни 2608500,0** (икки миллион олти юз саккиз минг беш юз) сумни смета ҳужжатларини ҳисоб-фактура орқали қабул қилган кундан кейин **70% яъни 6086500,0** (олти миллион саксон олти минг беш юз) сумни пудратчининг ҳисоб рақамига пул утказиш йули билан амалга оширади.

3.3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган смета ҳужжатлари нархи ва муддати узил – кесил ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Пудратчи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига топшириш – қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб 2 та нусхада ҳужжатлар тупламини тақдим этади.

4.2. Буюртмачи топшириш – қабул қилиш далолатномасини ва лойиха-смета ҳужжатларини 30 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш – қабул қилиш далолатномасини жўнатади. Топшириш – қабул қилиш далолатномаси буюртмачи томонидан имзоланмаса, бажарилган ишларни, хизматларни қабул қилишда асосли эътироз билдирилмаган ҳолларда пудратчи юқорида кўрсатилган муддатда банкка бир томонлама бажарган ишлари эвазига ҳақ тўлаш учун талаб қўйишга ҳақли.

4.3. Бажарилган ишларни топшириш – қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир – бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган мажбуриятлар юкланади.

4.5. Ўзаро ҳисоб – китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Буюртмачи ўз вақтида олдин тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатга узайтирилади.

5.2. Буюртмачи шартномавий молиялаштириш лозим даражада бажармай ўз вақтида туловни амалга оширмаганлиги учун тулов кечиктирилган ҳар бир кунга 0,4% миқдорда, аммо кечиктирилган сумманинг 50% ортик булмаган миқдорда пеня тулайди.

5.3. Пудратчи шартномада курсатилган мажбуриятини ўз вақтида, сифатли бажармаса, буюртмачига бажарилмаган иш ҳажмининг 0,4 % ҳисобида, аммо 50% ортик булмаган миқдорда пеня тулайди.

5.4. Бажарилган ишлар(босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда пудратчи уларни бегараз бартараф этиши керак.

5.5. Агар содир бўлишига томонларнинг ҳеч бири жавоб бермайдиган (форс – мажор) ҳоллар юзга келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрларига суянадилар.

5.6. Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари қўлланилади.

5.7. Агар пудратчи лойиха-смета ҳужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиха-смета ҳужжатларида камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачига етказилган зарарни тулайди. Пудратчи ишлар сифатли, шартнома шартларига мос қилишига жавоб беради

6. Баргараф этилиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор)

6.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа баргараф этилиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати баргараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

6.2. Агар баргараф этилиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзилдиган бўлса, Пудратчи ва Буюртмачи лойиха ишларини давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора тadbирлар кўришни муҳокама қиладилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

6.3. Буюртмачи тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги Пудратчи учун «форс – мажор» ҳолатига тенг ҳисобланади.

7. Қўшимча шартлар

7.1. Буюртмачи 1.1.-бандда кўрсатилган объектдан ташқари, Пудратчи томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, Пудратчи эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиш ҳуқуқига эга.

7.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3. Томонлар узларининг юридик ва банк реквизитлари узгарган тақдирда, бир-бирларини 3 банк куни ичида хабардор қилишлари шарт.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1. Мазкур шартнома томонлар имзо чеккандан кейин ва ҳудудий газначиликдан руйхатдан утгандан сунг кучга қиради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати тугашига қарамай, томонлар шартларни бузганликлари жавобгарлигидан озод этмайди.

8.3. Мазкур шартнома 2 нусxada тайёрланади ва бир нусхадан буюртмачига, пудратчига берилади.

8.4. Шартнома амал қилиш муддати -31.12.2022 йил.

9. Бахсларни ҳал этиш тартиби

9.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган бахслар қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

10. Томонларнинг реквизитлари

Пудратчи:

«ТЕХНОПРОЕКТ» МЧЖ
Андижон шаҳар, А. Фитрат, 230
ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ
Нодирабегим филиали
х/р: 2020 8000 6051 0540 0001
МФО: 00079 ИНН: 306596100
Тел.: (93) 245-29-18 (91) 499-23-23

Буюртмачи:

16-сон мушқаш мактаби
Анд. т. Ҳриқзор мфр
ОАТБ Агробанк Андижон фили
х/р: 4017228600320370966 00056002
МФО: 00062 ИНН: 203154268
Тел: 914821354 914859396

Пудратчи:

Раҳбар:

З. Матазимов



Буюртмачи:



О. Ҳолдашев

ЮРИДИК ХУЛОСА

(Шартноманинг қонунларга мувофиқлиги ҳақида)

2022 йил 21 Ноябрь

Андижон шаҳри

“Андижон туман 16-сон болалар мусиқа ва снаъат мактаби” келгусида “Буюртмачи” номидан мактаб раҳбари О.Юлдашев биринчи томондан ва “TECHNOPROEKT” МЧЖ номидан корхона раҳбари З.Матазимов “Пудратчи” иккинчи томондан, улар ўртасида 2022 йил 18 Ноябрь кунги № 45-22-сонли пудрат шартномага:

Ушбу шартнома лойихаси адвокат О.Х.Абдурахманов (Ўз.Р. Адлия вазирлиги 2018 йил 17 декабр берган N 000007 сонли лицензия эгаси) томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Шартнома лойихаси ўрганилганда қуйидагилар,

АНИКЛАНДИ:

Шартнома Ўз.Р. ФКнинг 353-385, 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги ва бошқа қонунлари асосида шартнома предмети, унинг баҳосини, бажариш ва пул тўлаш муддатларини, ҳисоб-китоблар тартиби, тарафларнинг мажбуриятлари, уларни бажармаганлик учун жавобгарлик ва низоларни ҳал қилиш тартиби белгиланган.

Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги қонунининг 21-моддасига асосан

ХУЛОСА ҚИЛАМАН:

1. Шартномадаги тарафларнинг муносабатлари Ўз.Р. ФК “Хўжалик юритувчи субъектлар шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги қонунлари асосида тартибга солинган.
2. Шартнома ушбу қонунларнинг талабларига жавоб беради.
3. Тарафларнинг жавобгарлиги Ўз.Р. ФК талаблари ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги қонунининг 25 - 32 моддаларига мос тузилган.

Адвокат



О.Х.Абдурахманов

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 185563 на приобретение Смета

Способ проведения электронный

Дата 16.11.2022

Время рассмотрения 16.11.2022 16:24

Закупочная комиссия Андижон тумани 16-сон болалар мусика мактаби, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	YULDASHEV OTABOY AZIMOVICH	Мактаб директори	16-сон БМСМ
Секретарь комиссии	AXMEDOVA DILBARXON XXX	Хужалик мудир	16-сон БМСМ
Член комиссии	YULDASHEV KAMOLIDDIN IBRAGIMJONOVICH	Хисобчи	16-сон БМСМ
Член комиссии	MADMAROVA SHAXNOZA ABDURASULOVNA	Укитувчи	16-сон БМСМ
Член комиссии	NURALIYEV YODGORBEK ERKINBOYEVICH	Укитувчи	16-сон БМСМ
Член комиссии	MIRZAYEVA DILDORAXON BAXADIROVNA	Кутубхоначи	16-сон БМСМ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.11.2022 года № лота 185563.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Андижон туман 16-сон болалар мусика ва санъат мактаби биносини реконструкциясини амалга ошириш ишларини лойихалаштириш.
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	9 000 000.00
Стартовая сумма	9 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Информационни писмо

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
АНДИЖОНХУЖАРОЛОЙИХА МЧЖ	25	7000000	20	Экспертная		
ООО ТЕХНОПРОЕКТ	25	Солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги	24	Экспертная		
NANOPROEKT MCHJ	25	Солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги	18	Экспертная		

Критерий №2 Банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Информационни писмо

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
АНДИЖОНХУЖАРОЛОЙИХА МЧЖ	25	7000000	18	Экспертная		
ООО ТЕХНОПРОЕКТ	25	Банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги	22	Экспертная		
NANOPROEKT MCHJ	25	Банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги	21	Экспертная		

Критерий №3 Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза,

Тип: Текстовое значение

Описание: Информационни писмо

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
АНДИЖОНХУЖАРОЛОЙИХА МЧЖ	25	7000000	24	Экспертная		
ООО ТЕХНОПРОЕКТ	25	Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза,	24	Экспертная		
NANOPROEKT MCHJ	25	Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик	24	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		буйича ариза,				

Критерий №4 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Информационни писмо

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
АНДИЖОНХУЖАРОЛОЙИХА МЧЖ	25	7000000	17	Экспертная		
ООО ТЕХНОПРОЕКТ	25	Кафолат хати	24	Экспертная		
NANOPPOEKT MCHJ	25	Кафолат хати	16	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
АНДИЖОНХУЖАРОЛОЙИХА МЧЖ	9 000 000.00	7 000 000.00 UZS	7 000 000.00	00.00	7 000 000.00	14.11.2022 16:44:14	10
NANOPPOEKT MCHJ	9 000 000.00	8 925 000.00 UZS	8 925 000.00	00.00	8 925 000.00	15.11.2022 13:57:11	7.84314
ООО ТЕХНОПРОЕКТ	9 000 000.00	8 695 000.00 UZS	8 695 000.00	00.00	8 695 000.00	14.11.2022 20:12:59	8.0506

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
АНДИЖОНХУЖАРОЛОЙИХА МЧЖ	71.1	10	81.1
NANOPPOEKT MCHJ	71.1	7.84314	78.94314
ООО ТЕХНОПРОЕКТ	84.6	8.0506	92.6506

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 185563 от 16.11.2022 года на приобретение Смета определила победителем:

ООО ТЕХНОПРОЕКТ
306596100

и резервный исполнитель: АНДИЖОНХУЖАРОЛОЙИХА МЧЖ (200230777)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	YULDASHEV OTABOY AZIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	YULDASHEV KAMOLIDDIN IBRAGIMJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	MADMAROVA SHAXNOZA ABDURASULOVNA	Согласен	
Член комиссии	NURALIYEV YODGORBEK ERKINBOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	MIRZAYEVA DILDORAXON BAXADIROVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП